

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ТАРАҚҚИЁТИНИНГ АҲАМИЯТИ

Зокир Рустамович СОДИКОВ

Доцент

Иқтисод фанлари номзоди

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг илмий асослари ва ривожланиш тенденцияси атрофлича ёритилган. Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг миллий иқтисодиётни ривожлантиришдаги аҳамияти ва устувор жиҳатлари таҳлил қилинган. Мамлакатда ижтимоий-иқтисодий тараққиётни мустаҳкамлашнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик асосида ривожлантириш шарт-шароитлари кўрсатиб берилган.

Таянч сўзлар: кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, бизнес, тадбиркорлик, бозор, ишлаб чиқариш, истеъмол, даромад, бандлик, ижтимоий ҳимоя.

ЗНАЧИМОСТЬ РАЗВИТИЯ МАЛОГО БИЗНЕСА И ЧАСТНОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В НАЦИОНАЛЬНОЙ ЭКОНОМИКЕ

Зокир Рустамович СОДИКОВ

Доцент

кандидат экономических наук

Международная исламская академия Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В статье подробно изложены научные основы малого бизнеса и частного предпринимательства и тенденции его развития. Также проанализированы значение и приоритеты малого бизнеса и частного предпринимательства в развитии национальной экономики. Обозначены условия усиления социально-экономического развития страны на основе малого бизнеса и частного предпринимательства.

Ключевые слова: малый бизнес, частное предпринимательство, бизнес, предпринимательство, рынок, производство, потребление, доход, занятость, социальная защита.

Мамлакатимизда бозор муносабатлари мунтазам авж олаётган шароитда иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши ва мавжуд ресурслардан самарали фойдаланишнинг устувор йўналиши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти тараққиётини мустаҳкамлашга таянади. Шунинг учун мамлакатда бизнес фаолиятининг ривожланиши

ва истиқболи бозор механизми шароитида ўзига хос хусусиятларга эга. Миллий иқтисодиётда тадбиркорликнинг вужудга келиши жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий, моддий-молиявий, ҳуқуқий-меъёрий ва ташкилий-институционал шарт-шароитларнинг такомиллашувига асосланади. Мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий шароитларни товар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш, бозордаги талаб ва таклиф жараёни, истеъмолчилар учун товар ва хизматлар хилма-хил турларининг мавжудлиги, молиявий, хом ашё ва ишчи кучига оид имкониятларни белгилаб беради. Жамиятда тадбиркорликнинг ривожланиши ижтимоий шарт-шароитлар билан узвий боғлиқ ҳисобланади. Чунки жараённинг изчиллиги истеъмолчиларнинг диди ва замонавий маҳсулотлар ҳамда хизматларни харид қилишга мойиллиги ҳамда харид қобилияти билан чамбарчас боғлиқ. Албатта, ҳар қандай миллий иқтисодиётда мунтазам равишда ва турли босқичларда истеъмол тенденцияси ўзгариб, янгиланиб боради. Бунга кишиларнинг ижтимоий-маданий турмуш тарзи ва муҳит, дунёқараши ва касбининг ривожланиш хусусиятлари ҳамда даромад салоҳияти жиддий таъсир кўрсатади. Мамлакатда тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишига ишбилармон ва ташаббускор мутахассисларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини муттасил ошириб бориш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шу боис тадбиркорлик фаолиятини ва бу борада жаҳон тажрибасини замонавий услублар асосида тадқиқ қилиш ҳамда тараққий этган мамлакатлар амалиётини билиш мақсадга мувофиқдир. Иқтисодиётда тадбиркорлик муҳити асосан ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий-ташкилий, моддий ва молиявий шарт-шароитларнинг мужассамлашуви асосида келиб чиқади. Буларнинг рағбатлантирувчи шаклда юзага чиқиши мамлакатда ёки унинг муайян минтақасида тадбиркорлик фаолиятини олиб боришни жадаллаштиради. Зеро, бундай муҳит ишбилармонларга ўз фаолиятининг ижобий натижаларини олдиндан кўра олишига катта имкониятлар яратиб беради. Мамлакатлардаги сиёсий омил тадбиркорлик фаолиятига давлатнинг муносабатини ва жараёнга таъсирини акс эттиради. Умуман, тадбиркорлик жараёнида бозор механизми шароитида давлатнинг роли қўллаб-қувватловчи

ёки аралашмаслик шаклида намоён бўлади. Мамлакатда тадбиркорликнинг ривожланишида сиёсий тизимнинг барқарорлиги катта аҳамиятга эга ҳисобланиб, ташаббускорнинг ўз фаолиятини стратегик жиҳатдан ривожлантиришига ва узоқ муддатга мўлжалланган истиқболли лойиҳаларни амалга оширишига имкониятлар яратиб беради. Мамлакатимизда бу борада яратилган шароитлар боис фақат маҳаллий тадбиркорлар эмас, айти пайтда, йирик хорижлик инвесторлар ва чет эллик бизнесменлар фаолияти ҳам иқтисодиётимизда ҳозирги кунда жадал ривожланиб бормоқда. Ўз навбатида, бизнес муҳитини белгилашда жамиятдаги ижтимоий омиллар ва вазиятларнинг ўзига хос мураккаблиги таъсир кўрсатади. Чунки, у кўпгина ижтимоий-иқтисодий унсурлардан ташкил топади ва ишбилармон кишилар уларни кўзда тутиб фаолият олиб бориши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Булар, жамиятда юритилаётган сиёсат, ижтимоий-маданий турмуш кўникмаларидан, аҳолининг тадбиркорлик фаолиятига муносабати ва бошқа унсурлардан ташкил топади. Айти пайтда, ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий жараёнлар сингари тадбиркорлик фаолияти ҳам муайян ҳуқуқий мезонлар доирасида амалга оширилиши табиий ҳисобланади. Шу боис барча миллий иқтисодиётларда ҳуқуқий асосларни ишлаб чиқиш ва амалиётга кенг жорий этиш ҳар қандай соҳа каби катта аҳамиятга эга. Айтиқса, тадбиркорлик фаолиятини мақбул тарзда ривожлантиришга қаратилган қулай шароит яратиб берувчи қонунларнинг ишлаб чиқилиши, фирмаларни расмийлаштириш жараёнининг қисқа ва содда бўлиши, бюрократик тўсиқларнинг бартараф қилиниши, солиқ қонунчилиги мақбуллаштирилиши ва мувофиқлаштирилиши, маҳаллий ва хорижлик бизнесменларнинг ўзаро ҳамкорлигини қўллаб-қувватловчи қулайликлар меъёр ва мезонларни белгиловчи ҳужжатларда акс этиши мақсадга мувофиқ бўлади. Мамлакатимизда амалиётда жорий этилган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг асоси бўлаётган ҳуқуқий базани муттасил равишда бугунги кундаги ислохотларга монанд равишда такомиллаштириш талаб этилади. Зеро, тадбиркорлик муҳитини белгилашда иқтисодий омиллар бозордаги

эркин рақобатда ва нарх ҳолатида кўринади. Иқтисодиётда нархлар ва уларнинг даражаси ўзида ишлаб чиқариш омиллари харажатларини, фоиз ставкасини, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни акс эттиради.

Тадбиркорлик фаолиятининг келажаги уни амалга ошириш учун яратилган муҳит билан белгиланади ва у жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий шароитни намоён қилади. Жамиятда ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларни иқтисодий мустақиллик, тадбиркорлар қатлами, иқтисодий муносабатлар жараёнида бозорнинг роли, фойда олиш имкониятларининг мавжудлиги ва бизнес фаолиятини рағбатлантирувчи универсал қулайликларнинг таъминлаб берилганлигини кўрсатади. Миллий иқтисодиёт ва унинг тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни қуйидаги 1-жадвалда келтирилган бўлиб, унда ЯИМ нинг 2000 йилда 31%, 2010 йилда эса 60,8%, 2020 йилда 54,8% ва ниҳоят, 2022 йилда 51,8% улар томонидан ишлаб чиқарилаётган бўлса, бандликдаги улуши 2000 йилда 49,7, 2010 йилда 74,3%, 2020 йилда 74,5% ва 2022 йилда 73,9%га [5] тенг бўлмоқда.

1-жадвал

Иқтисодиётда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни
(жамига нисбатан % да) [5].

Йил	ЯИМ	Саноат	Қурилиш	Бандлик	Экспорт	Импорт
2000	31,0	12,9	38,4	49,7	10,2	22,8
2001	33,8	12,5	40,4	51,8	9,3	26,7
2002	34,6	15,4	42,0	53,5	7,5	24,9
2003	35,0	10,8	39,9	56,7	7,3	33,7
2004	35,6	11,0	49,6	60,3	7,3	32,7
2005	38,2	10,0	50,9	64,8	6,0	33,7
2006	42,1	10,9	52,1	69,1	11,2	34,2
2007	45,7	13,2	55,4	72,1	14,8	32,0
2008	48,2	14,6	58,4	73,1	12,4	35,7
2009	50,1	17,9	42,4	73,9	14,6	42,5
2010	60,8	26,6	52,5	74,3	13,7	35,8
2011	61,9	28,6	67,6	75,1	18,8	34,3
2012	60,8	29,7	70,0	75,6	14,0	38,6
2013	60,9	33,0	70,6	76,7	26,2	42,4
2014	61,9	36,8	69,5	77,6	27,0	45,4
2015	64,6	40,6	66,7	77,9	27,0	44,5
2016	66,8	45,3	66,9	78,2	26,0	46,8
2017	65,3	41,2	64,8	78,0	22,0	53,6

2018	62,4	37,4	73,2	76,3	27,2	56,2
2019	56,0	25,8	75,8	76,2	27,0	61,6
2020	54,8	27,9	72,5	74,5	20,5	51,7
2021	54,1	27,4	72,5	74,5	20,0	45,3
2022	51,8	26,0	71,5	73,9	29,6	49,4

Умуман, жараёнда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги ўрни мунтазам равишда катта аҳамиятга эга бўлган ва ишлаб чиқаришнинг ярмидан ортиқ қисми, бандликнинг $\frac{3}{4}$ қисми шу бўғинга тегишли бўлмоқда. Мамлакатда тадбиркорликни ривожлантиришнинг энг устувор вазифаси барқарор иқтисодий ўсиш билан бир қаторда ижтимоий муаммоларни ўз вақтида бартараф қилиш, бандлик даражасини ошириш, миллий бойликни кўпайтириш ва аҳоли фаровонлигини муттасил равишда юксалтириш ҳамда янада мустаҳкамлашдан иборат. Иқтисодиётда бизнес фаоллик ва мустақилликнинг асосий кўриниши ҳисобланган ташаббускорлик иш билан бандликни ошириш ва янги иш жойларини барпо этиш борасидаги фаолияти билан муҳим аҳамият касб этади.

Бозор механизмига асосланган иқтисодиётда тадбиркорлик муҳити мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг асоси бўлиб, у бизнесменлар фаолиятининг мазмунини белгилайди. Жаҳондаги аксарият мамлакатларда тадбиркорлик муҳити ва бизнес иқлими бир-биридан фарқ қилади. Мамлакатда иқтисодий жараёнларнинг унумли ташкил этилиши жамиятнинг моддий ва маънавий имкониятларининг юксалишига замин ҳозирлайди. Жаҳон амалиётида ҳам кўплаб миллий иқтисодиётнинг ривожланишида жамиятда ишбилармонлик учун таъминлаб берилган қулайликлар асос эканлиги тасдиқланган. Шулардан келиб чиққан ҳолда жамиятда эркин тадбиркорлик учун иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароит яратиш зарур ҳисобланади. Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш учун барча имкониятларни яратиб бериш талаб этилади. Айниқса, уларнинг хом ашё ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишларига кенг шароит яратиш билан бир қаторда, ишлаб чиқараётган маҳсулотларининг маҳаллий ва хорижий бозорларга таклиф қилинишига ҳамда давомийлигини кафолатловчи тизимни

барпо этишга устуворлик берилиши лозим. Тадбиркорлик муҳитини таҳлил қилиш жараёнида ишбилармонларнинг истеъмолчилар миллий-маданий ҳаёти ва қадриятларини, ижтимоий турмуш тарзи ва анъаналарини, кишиларнинг харид қобилиятини билиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Тадбиркорлар буларни ҳар томонлама ва чуқур таҳлил қилаётганда, бу маҳсулотларни келажакда экспорт қилиш мақсадида қўшни мамлакатлар бозорларини ҳам кўзда тутишлари фойдадан холи бўлмайди. Шу боис, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган ҳар бир ишбилармон киши ўзини ўраб турган муҳитнинг ижтимоий-иқтисодий вазиятини чуқур англаши ва улар ҳақида тадқиқотлар олиб бориши муҳимдир. Миллий иқтисодиётда бугун кенг қўламли бозор ислоҳотларини амалга ошириш жараёнида ишбилармонлар доирасининг кенгайиб бораётганлиги маълум. Миллий хўжаликда ҳозир ўтказилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади ва устувор йўналиши мамлакатда ҳақиқий мулкдорлар қатламини шакллантиришга қаратилганлиги бежизга эмас. Давлат томонидан ишлаб чиқиладиган ҳуқуқий асослар ва мезонлар ана шу мақсадга йўналтирилган. Чунки бу масалаларни бартараф қилмасдан, кўзда тутилган натижаларга ва янгиликларга эришиб бўлмайди.

Ҳозирги кунда иқтисодий ислоҳотлар ва ўзгаришларнинг муҳим жиҳатларидан бири ишлаб чиқариш соҳасида хусусий тадбиркорликни ва унинг тузилмаларини аниқ қўллаб-қувватлаш орқали замон талабларига монанд мулкдорлар қатламини шакллантиришдан иборат. Мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган ялпи ички маҳсулот, саноат товарлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва бошқа фаолиятларнинг аксарият қисми хусусий сектор томонидан амалга оширилмоқда. Ушбу тенденцияни жадвалда келтирилган тармоқлар ва йўналишларнинг барчасида кузатиш мумкин. Айниқса, бу борада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Мамлакатимизда ишлаб чиқиладиган дастурларда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш жойларини яратиш ва бандликни ошириш, аҳолининг даромадлари ва

фаровонлигини юксалтиришда алоҳида аҳамият касб этиб келаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни муттасил ривожлантиришга ва қўллаб-қувватлашга устувор вазифа сифатида эътибор қаратиб келинмоқда. Амалга оширилган тадбирлар натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ялпи ички маҳсулот ва бандлик каби етакчи тармоқларда, шунингдек, экспорт-импортдаги ва бошқа соҳалардаги роли охириги йилларда кескин ортиб бормоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик секторида эришилган бу натижалар давлат томонидан уларни мунтазам равишда қўллаб-қувватланаётганлигининг самараси ҳисобланади.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг шиддат билан жадал ривожланишида иқтисодий ва ташкилий шарт-шароитлардан ташқари улар учун яратилаётган солиқ тўлаш жараёнидаги, молиявий масалалардаги ва бошқа йўналишлардаги имтиёзлар ҳам аҳамият касб этмоқда ҳамда уларнинг фаолиятини рағбатлантирмоқда. Шу боис бу бўғин субъектларини рағбатлантириш фақат солиқ ставкасини пасайтириш ва имтиёзлар беришда эмас, балки уларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда ҳам намоён бўлади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодиётимизда барқарор ривожланишида унга хизмат кўрсатувчи бозор инфратузилмалари ташкил этилиши ва самарали хизмат кўрсатишни йўлга қўйилиши ҳам сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи инфратузилма муассасалари тури ўндан ортиқ бўлиб, улар ишбилармонлар учун бозорнинг зарурий шарт-шароитларини яратиш бериш борасида хизмат кўрсатмоқда. Натижада давлатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг янги иш жойларини яратиш ва аҳолининг даромадларини ошириш орқали турмуш фаровонлигини кучайтиришдаги роли мунтазам ортиб бормоқда. Демак, жаҳондаги вазиятда ҳам мамлакатимизда ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни барқарор ривожлантириш иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш ва аҳолининг даромадларини оширишнинг

муҳим омили сифатида ўз кучини мустаҳкамлаб бормоқда. Замонавий ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини ривожлантиришнинг устувор вазифаларидан бири бу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни аҳамиятли даражада тараққий эттиришдан иборат эканлиги маълум. Шу боис бу борада ислохотлар олиб борилиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кучайтириш мақсадида йирик институционал тизим барпо қилинган. Шунингдек, бизнес фаолиятини кафолатловчи қонуний асослар ва тадбиркорларга кўмаклашувчи нодавлат тузилмалар шакллантирилиб келинмоқда. Шу боис Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси мажмуини барпо қилиш муваффақиятли тарзда ривожланиб бормоқда. Кичик бизнес фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар катта ҳажмдаги молиявий ресурсларга эҳтиёж сезмасдан ўзлари янги иш жойларини ташкил этишлари ва айрим товарлар тақчиллигини камайитиришлари, уларнинг ютуқларини исботловчи омиллардан ҳисобланади. Шунинг учун мазкур йўналишдаги ижтимоий-иқтисодий ислохотларни мунтазам равишда чуқурлаштириш ва мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини изчил юксалтириш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. 2022 — 2026-йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январь ПФ-60-сон Фармони. Lex.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Lex.uz
3. Содиков З.Р. Глобаллашув шароитида ташқи савдонинг ривожланиш тенденцияси: монография. – Тошкент: Complex print, 2021.
4. Тухлиев Н. Жаҳон иқтисодиёти ривожланишида янги трендлар: монография. – Тошкент: Илм-Зиё-Заковат, 2021. – 72 б.
5. Stat.uz.